

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

51-сон
(967)
2020 йил
28 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

557. «Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июнда қабул килинган ўзгартиришлар билан) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 21 декабрдаги ўРҚ–654-сон Қонуни
558. «Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 декабрдаги ўРҚ–656-сон Қонуни
559. «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги ўРҚ–657-сон Қонуни

560. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекс-ларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-658-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

561. ««Навоий вилоятида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станция-сини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирла-ри тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 декабрдаги ПҚ-4933-сон қарори

Бешинчи бўлим

562. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Бош прокура-тура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департа-ментининг 2020 йил 6 ноябрдаги 344-В-4-сон, 2020 йил 3 ноябрдаги 23-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва ом-мавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар кири-тиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат ра-қами 2925-4*)
563. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 19 декабрдаги 279-мх-сон «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгар-тиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2012-4*)
564. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 75, 132-сон «Реабилитация ва мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктла-ри тўғрисидаги низомнинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»-ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1050-2*)
565. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимлик-лар карантини давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги 17, 1-сон «Республикада карантиндаги зарар-қунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхатини

тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»-
ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2544-1*)

566. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2020 йил 18 декабрдаги 254-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув хоналарида фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1053-3*)
567. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2020 йил 18 декабрдаги 255-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тааллуқли ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжатларни талаб қилиб олиш бўйича хориждан келиб тушган сўровномаларни ижро қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 373-2*)
568. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2020 йил 24 ноябрдаги 19-сон «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-4*)
569. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2020 йил 6 ноябрдаги 343-В-6-сон, 2020 йил 3 ноябрдаги 24-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-6*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

557 Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июнда қабул қилинган ўзгартиришлар билан) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 4 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 декабрда
маъқулланган

Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июнда қабул қилинган ўзгартиришлар билан) қуйидаги қўшимча шарт билан қўшилисин:

«Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг барча иловалари ва бобларини қабул қилади, бундан «Е» Махсус иловасининг 3-боби (Товарларни каботаж ташиш) мустасно».

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 21 декабрь,
ЎРҚ-654-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 22 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

558 Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 5 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 20 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»^{ги} 913–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 4-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда) **10-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қонунда назарда тутилган ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга эғалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер беришга, ушбу субъектларнинг ерга эғалик қилиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини бекор қилишга ҳақли».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4,

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 декабрда эълон қилинган.

199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг саккизинчи хатбошисидаги** «ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **5-модданинг:**

олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошисидаги «ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **6-модданинг:**

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш»;

ўн биринчи хатбошисидаги «ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **7-модданинг:**

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш»;

тўққизинчи хатбошисидаги «ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **36-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 5-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 6 — 11-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш мазкур Кодекснинг 38-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 12-бандида кўрсатилган ҳолда тугатиш тегишли туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг таклифига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида туманлар ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилади. Юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин»;

6) **37-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш фақат қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб олиш;

автомобиль ва темир йўлларни, аэропортларни, аэродромларни, аэронавигация объектларини ва авиатехника марказларини, темир йўл транспорти объектларини, кўприклар, метрополитенлар, туннелларни, энергетика тизими объектларини ва электр узатиш тармоқларини, алоқа тармоқларини, космик фаолият объектларини, магистрал қувурларни, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш);

аҳоли пунктлари бош режаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектларни қуришга оид қисмини ижро этиш мақсадида, шунингдек қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилишга фақат олиб қўйилиши режалаштириладиган ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк мулкдорлари билан очиқ муҳокама ўтказилганидан, фойда ва харажатлар баҳоланганидан, шунингдек тегишинча Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма билан мажбурий равишда келишилганидан кейин йўл қўйилади.

Ер участкаларини олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларининг бузилишига турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган иморатлар, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҳамда бошқа бино ва иншоотлар амалда бўлиқ бўшатиб қўйилганидан, олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати, кўчириш, юридик, жисмоний шахсларни янги жойлашган ери ёки яшаш жойига, шу жумладан вақтинчалик олинган кўчмас мулк объектига кўчириш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарлари, шу жумладан бой берилган фойда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатларнинг ўрни бўлиқ қопланганидан сўнг рухсат берилади.

Давлат органининг (мансабдор шахснинг) ер участкаси олиб қўйилиши билан боғлиқ қонунга ҳилоф маъмурий ҳужжати қабул қилиниши на-

тижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларнинг ўрни қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан қопланади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарор устидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашни инобатга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг таъминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек тегишинча вилоят ёки туман (шаҳар) ҳокими ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан олдиндан келишиб олиши шарт. Бундай тарзда олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялаштиришга йўл қўйилмайди.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда объект қуриладиган жойни олдиндан келишиб олиш, шунингдек ер ажратиб беришни расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг мулки бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объекти ёхуд турар жой ҳамда бошқа бино ёки бинонинг бир қисми билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш ушбу Кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган кафолатлар таъминланган ҳолда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади»;

7) 38-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6 — 11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда уни олиб қўйиш ҳақида судга даъво аризаси киритади. Ер участкасини берган орган, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини қўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли»;

8) 86-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Зарарларнинг ўрнини қоплаш олиб қўйилаётган ер участкалари ўзига ажратиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек фаолияти ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ер участ-

калари ижарачилари ҳамда мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига олиб борган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тегишинча Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қонунчиликда белгиланадиган тартибда амалга оширилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрда қабул қилинган «**Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–336-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 9/2, 245-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **19-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкани бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки дов-дарахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига фақатгина қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиб, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида берилади ва у қўрган бошқа зарарларнинг ўрни қопланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши туфайли етказилган зарарнинг ўрни тўла ҳажмда қопланади.

Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкани бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан, ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши мулкдорнинг розилиги билан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимларининг олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарори фақат адлия органларининг ижобий ҳулосаси мавжуд бўлганда қабул қилинади. Ер участкасини олиб қўйиш ташаббускори ҳамда олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектининг мулкдори ўртасида тузиладиган, ер участкасини олиб қўйиш муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарлари, шу жумладан бой берилган фойдаси ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатларини қоплаб бериш тўғрисидаги келишув мажбурий равишда нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилишга олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектининг мулкдорига келишувда, низо мавжуд бўлган тақдирда эса суд қарорида белгиланган жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарлари, шу жумладан бой

берилган фойдаси ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатлари қопланганидан сўнг йўл қўйилади.

Ер участкасини олиб қўйиш ва уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлаш тўғрисидаги қарор аҳоли пунктларининг бош режаларига, шунингдек турар жой даҳалари ҳамда кичик даҳаларини батафсил режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига мувофиқ қабул қилинади.

Олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмайди.

Давлат органлари уйнинг, бошқа иморатларнинг, иншоотларнинг ёки дов-дарахтларнинг мулкдорини қабул қилинган қарор тўғрисида бузиб ташлаш бошланишидан камида олти ой олдин, билдиришномага тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорининг кўчирма нусхасини илова қилган ҳолда ёзма равишда (имзо қўйдириб) хабардор қилиши шарт.

Олиб қўйилаётган ер участкаларидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда хусусий мулк ҳуқуқи бекор қилинаётганда олиб қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати ана шу мол-мулк бевосита олиб қўйилишидан олдинги пайтдаги ёки олиб қўйилиши ҳақидаги хабар мол-мулкнинг қийматига таъсир кўрсатган пайтдаги ҳолатга кўра баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланади.

Ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга бузиб ташланаётган мол-мулкнинг ўрнини қоплаш, бузиб ташланаётган уйнинг мулкдорига турар жой бериш, бузиб ташланаётган уй ўрнига якка тартибда уй-жой қуриши учун фуқарога ер участкаси бериш, ер участкаси ва бошқа мол-мулк олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилгунга қадар амалга оширилиши мумкин эмас. Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масалалари ҳам низони кўриб чиқишда ҳал этилади»;

2) **24-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24-модда. Мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилишига ҳамда бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги

Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсиздир. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ҳамда бекор қилинмайди.

Қуйидаги кўчар ва кўчмас мол-мулк давлат тасарруфидан чиқарилган ҳамда хусусийлаштирилган корхоналарнинг мол-мулки деб эътироф этилади (қонунга мувофиқ давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно):

давлат тасарруфидан чиқаришни ва хусусийлаштирилган корхоналарда давлат мол-мулкани хусусийлаштиришни амалга ошириш пайтида аниқланмаган кўчар ва кўчмас мол-мулк;

корхона ҳудудида жойлашган, давлат тасарруфидан чиқаришни ва хусусийлаштиришни амалга ошириш пайтида тасарруф этиш ҳуқуқисиз фойдаланишга берилган кўчар ва кўчмас мол-мулк.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш, ҳақиқий эмас деб топиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш тақиқланади».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 декабрь,
ЎРҚ-656-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

559 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 1 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 18 декабрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан (бундан буён матнда республика бюджети деб юритилади) ушбу Қонунга мувофиқ ажратиладиган маблағлардан фақат 2021 молия йили давомида фойдаланилади ва келгуси молия йилига ўтказилмайди.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) билан келишган ҳолда ўзининг жорий харажатлари таркибидаги тармоқни ривожлантириш давлат дастурларини (бундан буён матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли.

Вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизмати тегишли ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилади ҳамда таҳлил натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 декабрда эълон қилинган.

лари ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси истисно тариқасида Бюджет кодексининг 145-моддасида назарда тутилган миқдорлардан қатъи назар, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи учун республика бюджетидан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга (Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга оширишга) ажратиладиган маблағларни бошқа биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига мазкур мақсадларга сарфлаш учун ўтказиш ҳуқуқига эга.

2-боб. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети параметрлари

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатлари

2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2022-2023 йилларга бюджет мўлжаллари 1-иловага* мувофиқ, уларни тайёрлашда асос бўлган 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2022-2023 йилларга мақсадли мўлжаллар 2-иловага* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4-модда. Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ва харажатлари

2021 йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози маълумот учун қабул қилинсин ҳамда уларнинг харажатлари 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5-модда. Республика бюджети даромадлари прогнози ва харажатлари

2021 йил учун республика бюджети даромадлари прогнози 4-иловага* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2021 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, суд ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқлар, давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий жарималар ҳамда молиявий санкциялар ҳисобидан келиб тушадиган маблағларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан республика бюджетига ўтказилиши мумкин.

* 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари

2021 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари 6-иловага* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2021 йил учун республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига ва вилоятларнинг вилоят бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу Қонунда назарда тутилган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг вилоят бюджетлари даромадлари прогнозининг ижросидан қатъи назар, камайтиришга йўл қўйилмайди.

7-модда. Айрим тўловлар ставкалари

2021 йил учун:

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 8-иловага* мувофиқ (солиқ солиш мақсадлари учун);

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун ундириладиган йиғимларнинг чекланган ставкалари 9-иловага* мувофиқ;

автотранспорт йиғимларининг ставкалари 10-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришда қўлланиладиган божхона божлари ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

8-модда. Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини шакллантириш

2021 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми 903,4 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2021 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетини, вилоятлар вилоят бюджетларини ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетини, туманлар ва

* 6 — 10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шаҳарлар бюджетларини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар миқдори ошган ҳолларда тегишли бюджетлар захира жамғармаларининг белгиланган миқдорлари қайта кўриб чиқилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағлар ажратилган тақдирда ушбу Қонунга ўзгартишлар киритилмайди.

9-модда. 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг олти ойлик ижроси яқунлари бўйича даромад прогнозлари бажарилмаган ва жорий молия йилининг охиригача уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда:

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоизи ва ундан ортиқ фоизи миқдоридagi харажатларни қисқартириш Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан;

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоиздан кам миқдоридagi харажатларни қисқартириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақлифига кўра Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгаши томонидан қабул қилинади.

Бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши, шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида олинadиган давлат қарзининг чекланган ҳажмини белгилаш

Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг суммаси ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги керак.

2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ички ва ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган соф ҳажми 5,5 млрд. АҚШ доллари, шундан Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун — 2,2 млрд. АҚШ доллари (шу жумладан, давлат қимматли қоғозлари — 5 трлн. сўм), инвестиция

лойиҳаларини молиялаштириш учун — 3,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида белгилансин.

2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинадиган кредитлар (қарзлар) ҳисобидан амалга ошириладиган, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қайтариладиган ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларига йўналтириладиган маблағлар бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети харажатларида акс эттирилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори-ни белгилаш

2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 5,4 фоизи миқдорида белгилансин.

3-боб. Бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

12-модда. 2021 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидагилар тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

мобил алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидagi улушига мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидаги улушларда:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 62 фоизи, Тошкент вилоятида 45 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Тошкент вилоятида 45 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгаши:

тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқлар-

ни ва бошқа турдаги даромадларни (шу жумладан ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган даромадларни) ҳамда бюджетларро трансфертларни тақсимлашга;

даромадларнинг прогнозини ошириб бажаришдан олинган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга ҳақли.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари туманлар ҳамда шаҳарларнинг оммавий дам олиш ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдорларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб боровчи коэффициентларни киритишга ҳақли.

Агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади.

Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2021 йилнинг 1 июлига қадар 2020 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2021 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмасдан тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2021 йил учун дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) тўлаш миқдорлари ва даврийлигини қонунчиликда белгиланган тартибда аниқлаш ҳуқуқига эга.

13-модда. 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тегишли бюджетларини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантиради.

Чораклар якуни бўйича ушбу Қонуннинг 6-иловасида келтирилган да-

ромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади ҳамда бу таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига худди шу тартибда мурожаат этади.

2021 йилда:

Тошкент шаҳрининг умумтаълим муассасаларини, мактабгача таълим ташкилотларини, соғлиқни сақлаш муассасаларини ва ичимлик суви билан таъминлаш тизими объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга доир харажатлар Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилади;

Қорақалпоғистон Республикасининг умумтаълим муассасаларини, мактабгача таълим ташкилотларини, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашга, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид тадбирлар доирасида объектлардаги таъмирлаш-тиклаш ишларига доир харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

2021 йилдан бошлаб ҳудудларда барча иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) улар бўйича дастлаб Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий органлари ҳулосаларига кўра, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари билан маъқулланганидан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланади.

Иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) йил давомида қайта кўриб чиқиш якунларига кўра, иссиқлик билан таъминловчи корхоналар аҳолига пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш учун қўшимча маблағларга бўлган талаб Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

4-боб. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ижросининг очиқлигини таъминлаш

14-модда. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақ-

садли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳар чорак якунлари бўйича чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтларига:

ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимоти; даврий молиявий ҳисоботлар;

капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси;

давлат мақсадли жамғармаларидан субсидиялар ва кредит олувчилари; ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда тегишли бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларининг ижро этилиши тўғрисидаги маълумотларни биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар кесимида ўз расмий веб-сайтларига ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай жойлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси солиқ ва божхона имтиёзлари рўйхатини, шунингдек тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни солиқ тўловчилар кесимида ўз расмий веб-сайтларига ҳар чоракда чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай, жойлаштиради.

Давлат молиявий назорати органлари молия йилининг биринчи ойида молия йили учун иш режалари тўғрисидаги маълумотларни, ҳар чорак якунларига кўра эса назорат тадбирлари натижалари бўйича аниқланган молиявий ҳуқуқбузарликлар ва ижобий натижалар ҳақидаги маълумотларни чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойнинг 10 санасига қадар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бюджет ижросининг очиқлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари кесимида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва

уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот чорагининг якунларига кўра, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 санасига қадар;

Давлат қарзининг ҳолати ва ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги иккинчи ойнинг 25 санасига қадар вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириб боради.

5-боб. Якунловчи қоидалар

16-модда. «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганлик учун жавобгарлик

«2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

17-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

18-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

19-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2021 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 декабрь,
ЎРҚ-657-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

560 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 15 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **130-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 декабрда эълон қилинган.

«Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек порнографик маҳсулотни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса»;

2) **130¹-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса»;

3) **139-модда:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали тўхмат қилиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади»;

4) **140-модда:**

иккинчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали ҳақорат қилиш»;

учинчи қисмининг санкциясидаги «ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) қуйидаги мазмундаги **244⁶-модда** билан тўлдирилсин:

«244⁶-модда. Ёлғон ахборот тарқатиш

Шахснинг кадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлғон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жа-

ҳон ахборот тармоғида тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлгон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, ушбу Кодекснинг 244¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) тақроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) оммавий тадбирлар жараёнида ёки фавқулодда вазият ҳолатида;

б) жуда кўп миқдорда зарар етказилган ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолда;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади»;

б) **саккизинчи бўлимдаги «Порнографик маҳсулот»** деган **атаманинг** ҳуқуқий маъноси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Порнографик маҳсулот — порнографик асар, шунингдек бадий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёки одам томонидан ҳақиқатда содир этилаётган ёки шунга ўхшатишган ёхуд компьютер технологиялари ёрдамида яратилган жинсий алоқанинг тавсифини ёки фото-, видео тасвирини ёки бошқа тасвирини ўз ичига олган материаллар ва нарсалар».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекис-

тон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда) **345-моддасининг бешинчи қисмидаги** «244⁴-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «244⁴-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 244⁶-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар,

№ 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-модда, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **25-модданинг тўртинчи қисмидаги** «икки юз бараваригача» деган сўзлар «тўрт юз эллик бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **189-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, порнографик маҳсулотни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, —

порнографик маҳсулотни, шу жумладан уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан тўрт юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан тўрт юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **189¹-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, уни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, —

зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни, шу жумладан уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан тўрт юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан тўрт юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) қуйидаги мазмундаги **202²-модда** билан тўлдирилсин:

«202²-модда. Ёлғон ахборот тарқатиш

Шахснинг кадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлғон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) 245-модданинг биринчи қисмидаги «202¹» рақами «202¹, 202²» рақамлари билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 декабрь,
ЎРҚ-658-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

561 «Навоий вилоятида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Қайта тикланадиган энергияни жадал ривожлантиришни таъминлаш, электр энергияси ишлаб чиқариш манбаларини диверсификациялаш, электр энергияси ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланишни камайтириш, шунингдек, электр энергетика тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи доирасида 2019 йил 20 мартда «Abu Dhabi Future Energy Company PJSC — Masdar» (БАА) компанияси (кейинги ўринларда — Инвестор) билан Ўзбекистон Республикасида умумий қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини (кейинги ўринларда — ШЭС) лойиҳалаш, молиялаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш лойиҳасини биргаликда амалга ошириш бўйича битим имзоланганлиги (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳаси);

б) инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Инвестор томонидан Ўзбекистон Республикасида масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Shamol Zarafshan Energy» хорижий корхонаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа компанияси) ташкил этилганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инвестор ва Лойиҳа компанияси (кейинчалик шартномага қўшилишини ҳисобга олган ҳолда) ўртасида 2020 йил 10 июнда инвестиция шартномаси имзоланганлиги (кейинги ўринларда — Инвестиция шартномаси) ҳамда унга мувофиқ Инвестор ва Лойиҳа компанияси:

инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бутун даври мобайнида Навоий вилоятида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш;

хавф-хатарларни ўз зиммасига олган ҳолда, 600 млн АҚШ долларидан ортиқ миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш;

улар томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясини ягона харидор бўлган «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга кафолатланган тарзда сотиш мажбуриятини олишлари назарда тутилганлиги;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 22 декабрда эълон қилинган.

г) «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Инвестор ўртасида 2020 йил 10 июнда Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида битим (кейинги ўринларда — Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим) имзоланганлиги ҳамда унга мувофиқ:

Инвестор ушбу битим бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан Лойиха компанияси фойдасига воз кечиши;

Лойиха компанияси ишлаб чиқарилган электр энергиясини ягона харидор бўлган «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга кафолатланган тарзда сотиш мажбуриятини олиши;

Лойиха компанияси ўз мажбуриятларининг лозим даражада бажарилиши бўйича 35 млн АҚШ доллари миқдорида банк кафолатини тақдим этиши;

Лойиха компанияси ШЭСнинг оширувчи подстанциясини қуриш ва у ишга туширилгандан сўнг «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга бепул топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олиши;

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ электр энергиясини кафолатланган тарзда сотиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олиши ва электр энергияси учун тўловни миллий валютада амалга ошириши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инвестор ва Лойиха компанияси ўртасидаги Инвестиция шартномаси тасдиқлансин.

Белгилансинки, Инвестиция шартномаси у имзоланган кундан эътиборан кучга кириди.

3. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Лойиха компанияси ўртасидаги тўғридан-тўғри музокаралар натижасида имзоланган Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим маъқуллансин.

4. Инвестиция шартномаси ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимга мувофиқ уларнинг амал қилиш муддати давомида электр энергиясини сотиб олиш учун хорижий валютада деноминацияланган қатъий тариф ўрнатилганлиги белгилаб қўйилсин.

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Навоий вилояти ҳокимлигига Инвестор, Лойиха компанияси ва инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда иштирок этаётган кредиторлар билан Лойиха компанияси томонидан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида имзоланган битимлар бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда Лойиха компанияси ва Инвестор ҳуқуқларини кредиторларга бериш юзасидан битимлар тузиш ҳуқуқи берилсин.

6. Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимга мувофиқ «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга:

Лойиха компанияси билан биргаликда Лойиха компанияси томонидан белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун халқаро мустақил инжиниринг компаниясини танлаб олишга;

мажбурий экспертиза ва рўйхатдан ўтказмаган ҳолда халқаро мустақил инжиниринг компанияси билан шартнома тузишга;

ШЭСда ишлаб чиқариладиган электр энергиясини уч ой мобайнида сотиб олишни қоплаш учун мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига хорижий валютада тасдиқланган тикланадиган аккредитивни очишга рухсат берилсин.

7. Инвестиция шартномасига мувофиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Лойиҳа компаниясига қуйидагиларга рухсат берилсин:

кредитлаш, хорижий валютадаги маблағларни олиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан, бошқалардан ташқари хорижий валютада кредит маблағлари тушумлари) учун чет эллардаги хорижий банкларда банк ҳисобварақлари очиш;

чет элдаги банк ҳисобварақларидан хорижий валютада кредит олиш;

устав капитали учун фақат қурилиш даврида Лойиҳа компанияси иштирокчилари билан тузилган қарз шартномалари ва оралиқ қарз битимлари бўйича хорижий валютада пул маблағларини қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқарисидаги хорижий пудратчилар, етказиб берувчилар ёки хорижий кредиторларга тўловларни Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварақлари орқали ўтказмасдан тўғридан-тўғри амалга ошириш.

8. Навоий вилояти ҳокимлиги (К.Б. Турсунов) инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Инвестиция шартномасида белгиланган ер участкасини ажратиб берсин ва Инвестиция шартномаси шартларига мувофиқ Лойиҳа компанияси билан ерни ижарага бериш тўғрисидаги шартномани имзоласин.

Бунда, Лойиҳа компанияси инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланганлик учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қоплашдан (компенсация тўловларидан) озод қилинсин.

9. Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов) инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Инвестиция шартномаси қоидаларига мувофиқ имзоланган битимлар юзасидан юридик ҳулоса берсин.

10. Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов) лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат экология экспертизасидан ўтказилишини ҳамда инвестиция лойиҳасини амалга оширишда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликка риоя этилишини таъминласин.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши, шунингдек, томонларнинг Инвестиция шартномаси ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим доирасидаги мажбуриятларини бажариши устидан доимий назорат ўрнатсин.

12. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х. Комилов) Лойиҳа компаниясининг буюртманомаларига асосан инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига кириш визалари расмийлаштирилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

13. Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) Лойиҳа компанияси

буюртманомаларига асосан инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига кўп марталик визалар расмийлаштирилишини, берилишини (муддати узайтирилишини) ҳамда вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтишини ва унинг муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

14. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) Лойиҳа компанияси буюртманомаларига асосан Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучини (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаганлар орасидан) жалб этишга рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб энергетика вазири А.С. Султанов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорак якунида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 декабрь,
ПҚ-4933-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

562 Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 344-В ва 26-сон қарори (рўйхат рақами 2925, 2017 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 968-модда) билан тасдиқланган Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 9 декабрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 ноябрь,
344-В-4-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Департамент бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 3 ноябрь,
23-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқаруви 2020 йил
6 ноябрдаги 344-В-4-сон ва Ўзбекистон
Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш
департаментининг 2020 йил 3 ноябрдаги
23-сон қарорига
ИЛОВА

**Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандда:

йигирманчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида, шу жумладан, ҳарбий тузилмаларида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинладиган ёки сайладиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек, чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таниқли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари (шу жумладан, собиқ);»;

йигирма олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«учинчи томон — Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган да-

ромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган ташкилотлар;»;

қуйидаги мазмундаги йигирма еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси — чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилган ва ўз иштирокчиларининг (пайчиларнинг, ишонч билдирувчиларнинг ёки бошқа шахсларнинг) ёхуд бошқа бенефициарларнинг манфаатларини кўзлаб даромад (фойда) олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилий тузилмадир (фондлар, шерикликлар, ширкатлар, трастлар, жамоавий инвестициялар ва (ёки) ишончли бошқарувнинг бошқа шакллари).».

2. Қуйидаги мазмундаги 28¹-банд билан тўлдирилсин:

«28¹. Юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаларига нисбатан ушбу Қоидалар билан юридик шахслар учун ўрнатилган талаблар қўлланилади.».

3. 34-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Нобанк кредит ташкилотларининг чет элдаги шуъбалари, филиаллари ва ваколатхоналари агарда улар жойлашган мамлакатнинг қонун ҳужжатларида нобанк кредит ташкилотининг ички қоидаларига нисбатан енгилроқ ички назорат чоралари белгиланган бўлса, улар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда нобанк кредит ташкилотининг ички қоидаларига риоя қилишлари керак.».

4. 40-бандда:

«а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахснинг эгалиги ёки назоратидаги ташкилотлар, Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори ёки назорат қилувчи шахслар;»;

«г» кичик банди чиқариб ташлансин.

5. 54-банднинг биринчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

6. 66-банднинг биринчи хатбошисидаги «ҳамда хизмат ёзишмаларини» деган сўзлар «, ҳисобрақамлар бўйича файлларни ва хизмат ёзишмаларини, ўтказилган ҳар қандай таҳлил натижаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 3-илова қуйидаги мазмундаги 1¹ ва 1²-бандлар билан тўлдирилсин:

«1¹. Мижознинг бенефициар мулкдори тўғрисидаги маълумотлар.

1². Мижознинг юқори мансабдор шахс (унинг оила аъзоси ёки унга яқин шахс) эканлиги тўғрисида белги.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**563 «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2012-4

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрдаги 544-сон «Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 19 декабрь,
279-мҳ-сон

Келишилди:

Палата раиси

А. ЭРНАЗАРОВ

2020 йил 11 декабрь

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 21 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 19 декабрдаги
279-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 6 октябрдаги 221-мх-сон «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2012, 2009 йил 6 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 444-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 6 октябрдаги 235-мх-сон «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2012-1, 2011 йил 6 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 444-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 22 майдаги 291-мх-сон «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2012-2, 2018 йил 22 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.05.2018 й., 10/18/2012-2/1250-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 сентябрдаги 438-мх-сон «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2012-3, 2019 йил 30 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2019 й., 10/19/2012-3/3844-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

564 Реабилитация ва мастлик ҳолатида бўлган шахслар-
га тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тўғрисидаги
низомнинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1050-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 сентябрдаги ЎРҚ-567-сон «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 9 июлдаги 4, 4-сон қарори (рўйхат рақами 1050, 2001 йил 18 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й, 14-сон) билан тасдиқланган Реабилитация ва мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тўғрисидаги низомнинг 14-бандидаги «руҳий касаллик белгилари» деган сўзлар «руҳий ҳолатнинг бузилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 ноябрь,
75-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХАДЖИБАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 ноябрь,
132-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 21 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
BAЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ
ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**565 «Республикада карантиндаги зараркунандалар, ўсим-
лик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхатини
тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш
тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2544-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 18 декабрдаги 9/7, 29-сон «Республикада карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2544, 2013 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 707-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўсимликлар карантини давлат
инспекцияси бошлиғи**

И. ЭРҒАШЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 декабрь,
17-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХАДЖИБАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 декабрь,
1-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 22 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил
17 декабрдаги 17, 1-сон қарорига
ИЛОВА

«Республикада карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарорда:

а) номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»;

б) муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 188-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 373-модда)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонунига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.».

2. Илованинг матни* қўйидаги таҳрирда баён этилсин.

* Илова матни «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

566 «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув хоналарида фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1053-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 706-сон «Архив иши ва иш юритиш соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**«Ўзархив» агентлиги
директори**

У. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 декабрь,
254-сон

Ўзбекистон Республикаси
«Ўзархив» агентлиги директорининг 2020 йил
18 декабрдаги 254-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг 2001 йил 29 июндаги 11-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув хоналарида фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1053, 2001 йил 20 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 14-сон).

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 22 декабрда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг 2002 йил 22 майдаги 11-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув хоналарида фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1053-1, 2002 йил 17 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 11-12-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг 2008 йил 28 апрелдаги 11-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув хоналарида фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1053-2, 2008 йил 28 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 22-23-сон, 207-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

567 Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тааллуқли ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжатларни талаб қилиб олиш бўйича хориждан келиб тушган сўровномаларни ижро қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 373-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 706-сон «Архив иши ва иш юритиш соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг 1997 йил 23 сентябрда 21-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тааллуқли ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжатларни талаб қилиб олиш бўйи-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 22 декабрда эълон қилинган.

ча хориждан келиб тушган сўровномаларни ижро қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 373, 1997 йил 5 ноябрь);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг 2008 йил 28 апрелдаги 10-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тааллуқли ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжатларни талаб қилиб олиш бўйича хориждан келиб тушган сўровномаларни ижро қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 373-1, 2008 йил 28 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 22-23-сон, 206-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**«Ўзархив» агентлиги
директори**

У. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 декабрь,
255-сон

Келишилди:

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2020 йил 3 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИҒИНИНГ
БҒЙРУҒИ

568 «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-4

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2009 йил 13 октябрдаги 36-сон «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2034, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 492-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Департамент бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 ноябрь,
19-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий
жиноятларга қарши курашиш департаменти
бошлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги
19-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан
боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга
ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги
буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Буйруқнинг номи, муқаддима ва 1-бандидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 августдаги 677-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.»;

в) 1-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар — Жиноий

даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг (ФАТФ) расмий баёнотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва ҳудудлар;»;

ўн иккинчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «ёки терроризмни молиялаштириш ёхуд оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «ёки терроризмни молиялаштириш ёхуд оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирманчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий, суд ёки ҳарбий органида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек, чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таниқли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари, шу жумладан, собиқ юқори мансабдор шахслар;»;

г) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 3-бандда:

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахсларнинг қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш ҳамда тўхтатиб турилган куннинг ўзида бундай операциялар ҳақида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш;»;

саккизинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «ва уларнинг яқин қариндошлари» деган сўзлар «, уларнинг оила аъзолари ва уларга яқин бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 5-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар мазкур Қоидалар талабларидан келиб чиққан ҳолда таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, камайтириш ва ҳужжатлаштириш бўйича тегишли чораларни кўриш тартибини назарда тутувчи ички қоидаларни ишлаб чиқишлари керак.

Ички қоидалар мазкур Қоидалар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши ҳамда аниқланган таваккалчиликлар ва уларнинг баҳоланишидан келиб чиқиб тузилиши керак.

Ички қоидалар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахсларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланади.»;

з) 6-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар тайинланган масъул шахс ҳақидаги маълумотларни ҳар йили 15 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси (бундан буён матнда Асиллик палатаси деб юритилади) ва махсус ваколатли давлат органига тақдим этишлари шарт.»;

и) 7-банднинг биринчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 9-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 10-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришнинг» ва «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар тегишли равишда «, терроризмни молиялаштиришнинг ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг» ва «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 11-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақи» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

н) 11¹-бандда:

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига фақатгина ташкилотларининг раҳбарияти рухсати билан киришиши (ёки мавжуд мижозлар учун давом эттирилиши);»

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар юқори мансабдор шахсларнинг оила

аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахсларга ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган чораларни кўришлари шарт.

Мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар бундай мижоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришиш ёки бундай мижознинг операцияларини амалга оширишдан воз кечиши ёхуд у билан ҳар қандай амалий иш муносабатларини тўхтатиши ва бу ҳақда махсус ваколатли давлат органига хабар бериши лозим.»;

о) 17¹-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) 17³-бандда:

биринчи хатбоши «терроризмни молиялаштириш» деган сўзлардан кейин «ёхуд оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таваккалчиликларни баҳолаш натижалари ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда Асиллик палатаси ва махсус ваколатли давлат органига тақдим этилиши лозим.»;

р) 17⁴-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахснинг назоратидаги ташкилотлар ёки Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори ёки назорат қилувчи шахслар;»;

учинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «хақиқий эгаси» деган сўзлар «бенефициар мулкдори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар;»;

с) 18-бандда:

иккинчи — еттинчи хатбошилардаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«идентификациялашни тугатиш имкони бўлмаган ёки лозим даражада текшириш натижалари бўйича у билан ишга оид муносабатларни ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи маълумотлар олинганда;

амалга оширилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ёки терроризмни молиялаштиришга ёхуд оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқадорлиги ҳақида асосланган шубҳалар мавжуд бўлган барча ҳолатларда.»;

т) 20-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан тўхтатилиши ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйилиши лозим, агарда:»;

у) 20¹-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ф) 26-банднинг биринчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

х) қуйидаги мазмундаги 26³-банд билан тўлдирилсин:

«26³. Пул ўтказмалари ва фойдаланувчиларни лозим даражада текширишга доир ахборот, зарурат туфилган тақдирда, операция тафсилотларини қайта тиклаш ва ахборотдан махсус ваколатли давлат органи томонидан фойдаланиш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.»;

ц) 27¹-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ч) қуйидаги мазмундаги 27²-банд билан тўлдирилсин:

«27². Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар ички ва ташқи вазиятлар ўзгаришини инобатга олган ҳолда ички назорат тизими самарадорлигини доимий равишда мониторинг қилади ва баҳолаб боради, шунингдек, иш самарадорлигини таъминлаш учун заруратга қараб уни мустаҳкамлайди.

Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахсда ички аудит хизмати мавжуд бўлган тақдирда, ички назорат фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш ушбу хизмат томонидан амалга оширилади.»;

ш) 28-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси билан келишилган.

Келишилди:

*Давлат асиллик даражаси
палатаси бошлиғи*

Р. УМАРОВ

2020 йил 11 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

569 Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги 343-В ва 14-сон қарори (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 401-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 ноябрь,
343-В-6-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 декабрда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи****Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 3 ноябрь,
24-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
6 ноябрдаги 343-В-6-сон ва Ўзбекистон
Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш
департаментининг 2020 йил 3 ноябрдаги
24-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялашти-
ришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялашти-
ришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

ийгирма тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида, шу жумладан, ҳарбий тузилмаларида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек, чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таниқли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари (шу жумладан, собиқ);»;

ўттизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«учинчи томон — Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган ташкилотлар;»;

қуйидаги мазмундаги ўттиз биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси — чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилган ва ўз иштирокчиларининг (пайчиларнинг, ишонч билдирувчиларнинг ёки бошқа шахсларнинг) ёхуд бошқа бенефициарларнинг манфаатларини кўзлаб даромад (фойда) олишга қаратилган фаолиятни амалга

ошириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилий тузилмадир (фондлар, шерикликлар, ширкатлар, трастлар, жамоавий инвестициялар ва (ёки) ишончли бошқарувнинг бошқа шакллари).».

2. 3-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Тижорат банкларининг ички назорат тизимининг асосий вазифалари, улар тўғридан-тўғри ёки тўлов агентлари ва (ёки) тўлов субагентлари орқали ҳаракат қилишидан қатъи назар, қуйидагилардан иборат:».

3. 5-бандда:

биринчи хатбоши «кенгашида» деган сўз «кузатув кенгашида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«унинг тижорат банкининг раҳбарияти, шу жумладан, кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари, бошқаруви, бошқа бўлинмалари, ички аудит хизмати ҳамда чет элдаги шуъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари, шунингдек тўлов агентлари ва тўлов субагентлари билан ўзаро муносабати;»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўзининг функцияларини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш ҳуқуқига эга бўлиши, шунингдек, мазкур маълумотларни тақдим этиш масалалари юзасидан ҳамкорлик қилиш бўйича тижорат банкининг бошқа бўлинмалари ва шуъба банклари, чет элдаги филиаллари ва ваколатхоналари, тўлов агентлари ва тўлов субагентлари ходимларининг мажбурияти;».

4. Қуйидаги мазмундаги 5¹-банд билан тўлдирилсин:

«5¹. Ички назорат хизмати ўз функцияларини бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай таъсирлардан қочиш мақсадида банкнинг фойда олишга қаратилган бўлинмалари раҳбарларидан мустақил ҳисобланади.

Ушбу мустақиллик қуйидаги жиҳатлар билан таъминланади:

Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимларини тайинлаш, лавозимидан озод этиш, шунингдек, уларнинг фаолиятини баҳолаш ва мукофот тўловлари микдори (иш ҳақи, бонуслар ва бошқалар) тўғрисидаги қарорлар фақат кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади;

Ички назорат хизмати раҳбари банкнинг фойда олишга қаратилган бўлинмаларини бошқариш ва операцияларни амалга ошириш бўйича ваколатга ва молиявий мажбуриятларга эга бўла олмайди, шунингдек, бошқа лавозимларни қўшиб олиб боришга йўл қўйилмайди.».

5. 6-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ички назорат хизматининг тўлов агентлари ва тўлов субагентлари билан ўзаро ишлаш тартиби;»;

олтинчи — ўн саккизинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички қондалар тўлов агентлари ва тўлов субагентларига, шунингдек, тижорат банкининг барча бўлинмаларига ҳамда чет элдаги шуъба банкларига, филиалларига ва ваколатхоналарига ижро учун мажбурийдир.».

6. Қуйидаги мазмундаги 6²-банд билан тўлдирилсин:

«6². Банклар, улар ва уларнинг агентлари ва субагентлари фаолият кўрсатадиган мамлакатларнинг ваколатли органлари фойдаланиши мумкин бўлган тўлов агентлари ва тўлов субагентларининг янгиланган реестрини юритиши керак.».

7. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Тижорат банкининг ички назорат тизими банк ишининг жиҳатлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, агентлар, субагентлар, мижозлар базаси ва мижозлар ҳамда уларнинг операциялари билан боғлиқ таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.».

8. 11-банднинг биринчи хатбошисидан «тижорат банки бошқаруви раисининг буйруғи билан лавозимига тайинланади ва озод этилади, улар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9. 22-банднинг «б» кичик бандида:

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 100 АҚШ долларида ошган миқдорда чет эл валютасининг сотиб олиниши;»;

тўққизинчи хатбоши «тангаларини,» деган сўздан кейин «ўлчовли ёмбарини,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«банк номидан тўлов агенти ёки тўлов субагенти томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараварига тенг ёки ундан ортиқ миқдордаги нақд пул маблағларини банк карталарига, шу жумладан, учинчи шахсларнинг банк карталарига ўтказиш учун қабул қилинишида;».

10. Қуйидаги мазмундаги 22¹-банд билан тўлдирилсин:

«22¹. Тўлов агентлари ва тўлов субагентлари, агар агентлик ва (ёки) субагентлик шартномасида кўрсатилган бўлса, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда, мижозни лозим даражада текшириш бўйича чораларни кўриш мақсадида мижознинг шахсини текшириш ва идентификация қилиш мумкин.».

11. 23-банднинг ўн иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда тижорат банки, шу жумладан, у ўзининг тўлов агентлари ва (ёки) субагентлари орқали ҳаракат қилганда, бу ҳақда махсус ваколатли давлат органига хабар бериши ва бундай мижоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришиш ёки бундай мижознинг операцияларини амалга оширишдан воз кечиши ёхуд у билан ҳар қандай амалий иш муносабатларини тўхтатиши лозим.».

12. 25-банддан «Тижорат банки томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

13. Қуйидаги мазмундаги 29¹-банд билан тўлдирилсин:

«29¹. Юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаларига нисбатан ушбу Қоидалар билан юридик шахслар учун ўрнатилган талаблар қўлланади.».

14. 33-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«корреспондентлар ўртасида мажбуриятларнинг аниқ ва тўлиқ тақсимланишини таъминлаш.»;

еттинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

15. 38-бандда:

иккинчи хатбошидаги «(шоҳобча, бўлим ва шу кабилар)» деган сўзлар «(тўлов агентлари, тўлов субагентлари, шоҳобча, бўлим ва шу кабилар)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жўнатиладиган пул ўтказмаларини миқдор-жўнатувчи ҳақидаги (жўнатувчининг номи; шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) серияси ва рақами — жисмоний шахслар учун; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами; жўнатувчининг манзили ёки давлат идентификация рақами ёхуд миқдорнинг идентификация рақами, жисмоний шахслар учун эса — туғилган санаси ва жойи) ва олувчи ҳақидаги (олувчининг номи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) аниқ маълумотлар билан бирга юборилишини таъминлашлари;»;

бешинчи хатбошидаги «фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса)» деган сўзлар «жўнатувчининг номи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«норезидент-банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги минимал маълумотларни (жўнатувчининг номи, шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) серияси ва рақами — жисмоний шахслар учун; жўнатувчининг манзили ёки давлат идентификация рақами ёхуд миқдорнинг идентификация рақами, жисмоний шахслар учун эса — туғилган санаси ва жойи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) тақдим этилишини талаб қилишлари;».

16. Қуйидаги мазмундаги 39¹-банд билан тўлдирилсин:

«39¹. Тижорат банклари, пул ўтказмаси бўйича ҳам жўнатувчи ва ҳам қабул қилувчи томонларга хизмат кўрсатган тақдирда, қуйидагиларга мажбурдирлар:

шубҳали операция тўғрисида хабар юбориш заруриятини аниқлаш мақсадида ҳам жўнатувчи томондан, ҳам қабул қилувчи томондан олинган барча маълумотларни ҳисобга олиш;

шубҳали пул ўтказмаси билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мамлакатда

шубҳали операция тўғрисидаги хабарни ваколатли органларга юбориш ва пул ўтказмаси тўғрисидаги тегишли маълумотларни тақдим этиш.».

17. 43-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«43. Мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялашда тижорат банки, шу жумладан, у ўзининг тўлов агентлари ва (ёки) тўлов субагентлари орқали ҳаракат қилганда, олинган маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи томонидан шакллантириладиган ва тижорат банкларига тақдим қилинадиган Рўйхат ҳамда жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролли тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар рўйхати билан солиштириб чиқиши шарт.».

18. 49-банднинг ўн бешинчи хатбоши «тангаларини» деган сўздан кейин «, ўлчовли ёмбиларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

19. 52-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«52. Тижорат банклар, шу жумладан, улар ўзининг тўлов агентлари ва (ёки) тўлов субагентлари орқали операцияларни амалга оширишда уларнинг иштирокчилари идентификация маълумотларини Рўйхат билан солиштиришлари шарт.».

20. 55-бандда:

«а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахснинг эгалиги ёки назоратидаги ташкилотлар, Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори ёки назорат қилувчи шахслар;»;

«ж» кичик банди чиқариб ташлансин.

21. 85-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«85. Электрон шаклда тўлдирилган анкеталар тижорат банкининг мижозларнинг идентификациясини амалга оширувчи ходимларига, шунингдек, тўлов агентлари ва тўлов субагентларига мижоз тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун доимий режимда тезкор фойдаланиш имкониятини берувчи электрон базада сақланади.».

22. 89-банд «лозим даражада текширишга доир материалларни» деган сўзлардан кейин «, ҳисобрақамлар бўйича файлларни ва хизмат ёзишмаларини, ўтказилган ҳар қандай таҳлил натижаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

23. Қуйидаги мазмундаги 96¹-банд билан тўлдирилсин:

«96¹. Тижорат банклари тўлов агентлари ва субагентларини ушбу Қоидалар ва банкнинг ички қоидалари талабларига риоя қилишларини таъминлашлари шарт.

Тижорат банклари ўз тўлов агентлари ва тўлов субагентлари томонидан ушбу Қоидаларнинг талабларини бузганлик учун жавобгар ҳисобланади.».

24. 3-илова қуйидаги мазмундаги 1¹ ва 1²-бандлар билан тўлдирилсин:

«1¹. Мижознинг бенефициар мулкдори тўғрисидаги маълумотлар.

1². Мижознинг юқори мансабдор шахс (унинг оила аъзоси ёки унга яқин шахс) эканлиги тўғрисида белги.».

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2020 йил 6 ноябрдаги 344-В-4-сон, 2020 йил 3 ноябрдаги 23-сон «Но-банк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролли тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-4.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 19 декабрдаги 279-мх-сон «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2012-4.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 75, 132-сон «Реабилитация ва мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тўғрисидаги низомнинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1050-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги 17, 1-сон «Республикада карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2544-1.

5. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2020 йил 18 декабрдаги 254-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув хоналарида фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғриси-

да»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1053-3.

6. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2020 йил 18 декабрдаги 255-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тааллуқли ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжатларни талаб қилиб олиш бўйича хориждан келиб тушган сўровномаларни ижро қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 373-2.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2020 йил 24 ноябрдаги 19-сон «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-4.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2020 йил 6 ноябрдаги 343-В-6-сон, 2020 йил 3 ноябрдаги 24-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-6.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2012, 2009 йил 6 октябрь), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2012-1, 2011 йил 6 октябрь), (рўйхат рақами 2012-2, 2018 йил 22 май), (рўйхат рақами 2012-3, 2019 йил 30 сентябрь).

2020 йил 21 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош

архив бошқармасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув хоналарида фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1053, 2001 йил 20 июль), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1053-1, 2002 йил 17 июнь), (рўйхат рақами 1053-2, 2008 йил 28 май).

2020 йил 22 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тааллуқли ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжатларни талаб қилиб олиш бўйича хориждан келиб тушган сўровномаларни ижро қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 373, 1997 йил 5 ноябрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 373-1, 2008 йил 28 май).

2020 йил 22 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.